



УЎК : 636.084:636.083

СУТДАН ЧИҚҚАН БЎҒОЗ СИГИРЛАРНИ REKS VITAL–ВИТАМИНЛИ-АМИНОКИСЛОТАЛИ ОЗУҚАВИЙ ҚЎШИМЧАСИ БИЛАН БОҚИШНИНГ УЛАРНИ АВЛОДИНИНГ СИФАТИГА ТАЪСИРИ.

Жавхаров Ойбек Зулфикорович

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, доцент, қ.х.ф.ф.д.

Мухаммадамин Мухаммаджонов,

Машхурахон Исмоилхонова,

Мунирахон Комилова

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
тадқиқотчи талабалар*

Аннотация. Маколада сутдан чиққан бўғоз сигирларнинг тўйимли моддаларга бўлган талаблари, уларни сутдан чиқарилган вақтида тўлақимматли рацион билан озиклантириш бўйича тавсиялар берилган бўлиб, шунингдек, сигирларни сутдан чиқарилган вақтида кунлик озиклантириш рационлари таркибида етишмайдиган витаминлар ва аминокислоталарининг ўрнини тўлдириш мақсадида, Испания давлатида ишлаб чиқарилган REKS VITAL – витаминли-аминокислотали озуқавий қўшимчасидан фойдаланиш тартиби, унинг меъёрлари, ушбу озуқа қўшимчаси тўғрисида маълумотлар ва ундан фойдаланилганда олнини мумкин бўлган натижалар кенг миқёсда ёритилган.

Калит сўзлар: REKS VITAL – витаминли-аминокислотали озуқавий қўшимчаси, меъёр, бўғозлик, витаминлар, аминокислотлар, аборт, чидамсизлик, мослашувчанлик, бузоқ ва ҳ.к.

Кириш. Халқимизнинг сифатли сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабини йил сайин ортиб бориши, Республикада қорамолчиликнинг тобора ривожлантирилишини тақозо этади. Маълумки, сигирларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари билан бирга бўғозлиги туфайли сутдан чиқарилган даврида, улар озиқа рационининг сифатига ва озуқаларнинг тўла қимматлилигига талабчан бўлиб боради.

Сутдор сигирлар организмида модда алмашинуви бўғозик вақтида ўсаётган ёш қорамолларникига ва гўштдор қорамолларникига қараганда ҳам анча юқори бўлади. Шундан келиб чиқиб, сутдан чиқарилган бўғоз сигирларни кундалик эҳтиёжини



кондиришда уларни сифатли ва кимёвий таркиби жиҳатидан тўйимли моддаларга бой бўлган озиқалар билан боқиш, ҳозирги замонавий чорвачиликнинг энг долзарб мавзусига айланган.

Фермер хўжаликларида чорва ҳайвонларини боқиш учун етиштирилаётган ва тайёрланаётган озиқаларни кимёвий текширишдан ўтказиб, озиқаларнинг умумий тўйимлилигини аниқлаб берадиган илмий лабораториялар мавжуд бўлмаганлиги сабабли, адабиётларда берилган маълумотлар асосида озиқлантириш рационлари тузилиб, шу асосда боқилмоқда.

Тадқиқотлар ва материаллар. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини меъёр асосидада озиқлантиришни ташкил қилишдан асосий мақсад, озиқлантиришни тўғри йўлга қўйиш билан саломатлигини сақлаб қолиш, такрор ишлаб чиқаришни таъминланган ҳолда, ҳайвонларнинг генетик имкониятларини амалга оширишдан иборатдир.

Фермер хўжаликларида сутдан чиққан бўғоз сигирлар учун тайёрланган озуқалар таркибида, уларни кунлик эҳтиёжини қондира оладиган тўйимли моддаларнинг етишмаслиги ва бу моддаларнинг ўзаро нисбатларини мутаносиб эмаслиги, уларнинг авлодини сифатини пасайиб кетишига олиб келади. Натижада туғилган бузоқларнинг келажакда мослашувчанлигини бир меъёрда бўлмаслиги, турли касалликларга чидамсизлиги, экстерьериди турли нуқсон ва камчиликларни пайдо бўлиши ва бунинг оқибатида маҳсулдорлигини пасайиши натижасида подадан эрта чиқарилиши каби муаммоларни келтириб чиқаради.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун уларнинг кунлик озиқланиш рационларига турли хил озуқавий қўшимчаларни киритиш ва улардан самарали фойдаланиш технологияларини жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқотлар Андижон вилоятининг Асака туманидаги “Турғунбой Шокиров” наслчилик фермер хўжалигида олиб борилди. Хўжалик раҳбари Исроилжон Шокировнинг таъкидлашича, ҳар йили туғилган бузоқларнинг 40-50 % турли сабабларга кўра нобуд бўлар экан. Буларнинг тахминан ярими туғилган вақтда мослашувчанлигининг пастлиги туфайли нобуд бўлар экан. Бундай йўқотишларни камайтириш фақат озиқлантириш орқали бартараф этилиши мумкин бўлади. Шуни ҳисобга олиб, тадқиқотларни ўтказиш учун хўжаликда боқилаётган, сутдан чиқарилган швиц зотли бўғоз сигирлардан ҳар бир гуруҳда 10 бошдан иборат иккита гуруҳ шакллантирилди. Бизнинг мақсадимиз туғилган бузоқларни нобуд бўлишлари сонини камайтириш, уларнинг яшовчанлигини таъминлаш ва шу билан бирга хўжаликка иқтисодий фойда келтиришдан иборат.

Шу мақсадда тажриба гуруҳи учун олдинги туғуми пайтида муаммоларга учраган, бола ташлаш ҳолати қайд қилинган, боласини чала тукқан ва туғилган



болалари узоқ вақт яшай олмаган сигирлардан 10 бошини ажратиб олдик. Чунки, бу ҳолатлар кейинги туғимларда ҳам такрорланиши мумкин. Назорат гуруҳига тажриба гуруҳидаги сигирлардан ҳолати бир оз яхши бўлган сигирлардан 10 бош ажратиб олинди.

Тажриба учун ажратиб олинган ҳар иккала гуруҳдаги сигирларни озиклантириш хўжаликда тузилган рационлар асосида амалага оширилди. Фақатгина тажриба гуруҳидаги сигирларга бир кунда бир маротаба, кечги озиклантириш вақтида уларга бериладиган омехта емлари таркибига, Испания давлатида ишлаб чиқарилган REKS VITAL – витаминли-аминокислотали озуқавий қўшимчасидан ҳар 50 кг тирик вазни ҳисобига 1 граммдан қўшиб берилди. Тажрибани ўтказиш давомийлиги 45 кунни ташкил этиб, бу даврда озуқавий қўшимчадан фойдаланиш кўрсатмасида берилган тавсияларга мувофиқ 5 кун берилди ва 10 кун дам олдириш ташкил этилди. 60 кун бўғозлик вақтида 3 маротаба бериш ташкил этилди.

REKS VITAL – витаминли-аминокислотали озуқавий қўшимчасининг кимёвий таркиби

1-жадвал

№	Кимёвий таркиби	Ўлчов бирлиги	Микдори
	Витамин А (ретинол-ацетат)	ХБ	20 000 000
	Витамин D ₃ (холекальций ферол)	ХБ	5 000 000
	Витамин Е (А-токоферол ацетат)	г	9
	Витамин В ₁ (тиамин гидро хлорид)	г	5
	Витамин В ₂ (рибофлавин)	г	10
	Витамин В ₆	г	3
	Витамин В ₁₂	мг	30
	Витамин С	г	50
	Витамин К ₃	г	5
	Фолий кислотаси	г	1
	Никотин кислотаси	г	20
	Калций пантотенат	г	10
	Оқсил гидролизати	г	138,87
	Сувсиз коллоид кремний диоксиди	г	22
	Лактоза	г	667,1

REKS VITAL – витаминли-аминокислотали озуқавий қўшимчасидан фойдаланиш учун тавсиялар.

Рекс Vital витаминли-аминокислотаси–бу қишлоқ хўжалик ҳайвонларида, шу жумладан паррандаларда моддалар алмашинувини меъёрлаштирадиган озуқа қўшимчаси.



Унинг таркибида энг муҳим витаминлар ва аминокислоталар мавжуд.

Peks Vital витаминли- аминокислотали озукавий кўшимчаси сезиларли даражада хайвонлар организмни рағбатлантиради. Хусусан, протеин миқдори паст бўлган озукалардан фойдаланганда ҳам махсулдорликни оширишга ёрдам беради, бу парваришlash ва озиклантириш харажатларини сезиларли даражада камайтиради. Препарат таркибидаги витаминлар стресс таъсирини камайтиришга ёрдам беради, тананинг ҳимоя функцияларини ва махсулот сифатини оширади.

Махсус формула туфайли Peks Vital аминокислотаси сувда эрийдиган аминокислоталардан ташкил топган бўлиб, ундан фойдаланишни осонлаштиради.

Peks Vital витаминли-аминокислотали озукавий кўшимчаси қишлоқ хўжалик хайвонларида, шу жумладан паррандаларда моддалар алмашинувини меъёрлаштириш учун ишлатилади, витаминлар ва аминокислоталарга бўлган эҳтиёжни қондиради (хомиладорлик, стресс, интенсив ўсиш, вазн ортириш, кўп миқдорда тухум олиш, лактация, организмни қайта тикланиши ва бошқалар).

Тадқиқот натижалари. Хўжаликда бўғозлиги туфайли сигирлар одатдагидек хомиланинг 7-ойида сутдан чиқарилади. Сутдан чиққан бўғоз сигирлар курук озиклантириш рационига ўтказилади. Биз тажрибаларимизни сутдан чиқарилган вақтидан бошладик. Сутдан чиқарилган бўғоз сигирлар кунлик рационига 1,5 кг дан омехта ем мавжуд бўлиб, Peks Vital витаминли-аминокислотали озукавий кўшимчасини шу омехта емларга аралаштириб, кечки озиклантириш вақтида беришни ташкил этдик. Бундай озиклантириш тартиби 5 кун давомида амалга оширилди ва 10 кун дам олдириш ташкил этилди. Чунки 5 кун давомида еган озукавий кўшимчани, хайвонлар танасида ўзлаштириб олишлари учун камида 7 кун вақт сарфланади. Шу тариқа 60 кунлик бўғозлиги вақтида 3 маротаба бериш ташкил қилинди. Охириги 15 кунлик вақтида бу озукавий кўшимчадан фойдаланмадик. Чунки сигирларни соғин сигирлар рационига ўргатиш бошланган эди.

Тажрибадаги сигирларнинг пуштдорлик кўрсаткичлари, (n = 10)

2-жадвал

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар
--------------	----------



	I-тажриба	II-назорат
Бўғозлик даврининг давомийлиги, кун	282,6	288,2
Сервис-даврининг давомийлиги, кун	75,4	84,5
Туғишлар оралиғидаги давр, кун	358,0	367,7
Биринчи уруғлантиришда оталаниш даражаси, %	78	70
Қочириш индекси, %	1,27	1,35
Подани такрор ишлаб чиқариш коэффициенти	1,020	1,00
Сигирнинг энгил туғиш ҳолати	Осон	Осон (қийин туғиш сони 2 бош)
Шундан:		
Бола ташлаш (аборт) ҳолати, бош	-	1
Муддати етмасдан чала туғилиш, бош	-	1
Бузоғи туғилганидан сўнг ўлими, бош	1	1
Ташқи муҳитга мослаша олмаслик туфайли ўлим ҳолати, бош	1	1
Бузоқларнинг ўртача тирик вазни, кг	35,5	33,2
Бузоқларни сақлаб қолиш даражаси, %	80	60

Ушбу жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, тажриба гуруҳидаги сигирларда бўғозлик даврининг давомийлиги 282,6 кун бўлса, назорат гуруҳида 288,2 кун давом этди. Бу тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 6,6 кунга қисқарганлигидан далолат беради

Сервис даврининг давомийлиги тажриба гуруҳида 75,4 кунни, назорат гуруҳида эса 84,5 кунни ташкил этган. Яъни, тажриба гуруҳида олиб борилган тажрибалар натижасида назорат гуруҳига нисбатан 9,1 кунга қисқаришга эришилди.

Туғишлар оралиғидаги давр тажриба гуруҳида 358,0 кунни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида 367,7 кунни ташкил қилган ва бу кўрсаткич тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 9,7 кунга кам бўлагнлиги билан изоҳланади.

Тажрибага қўйилган сигирларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида биринчи уруғлантиришда оталаниш даражаси тажриба гуруҳида 78 % ни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 70 % га тенг бўлди. Бунинг натижасида тажриба гуруҳидаги сигирлар назорат гуруҳидаги сигирларга нисбатан 8 % кўрсаткичда устунликка эришди.

Қочириш индекси кўрсаткичи тажриба гуруҳида 1,27 % ни ва назорат гуруҳида 1,35 % ни ташкил этгани ҳолда тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 0,08 % га кам бўлди. Аммо подани такрор ишлаб чиқариш коэффициенти тажриба гуруҳида 1,020 га тенг бўлгани ҳолда, назорат гуруҳига нисбатан 0,020 га (назорат гуруҳида 1,00 бўлган) юқори бўлди.

Сигирлардан бола олишда уларнинг энгил туғиш ҳолати бўйича тажриба гуруҳида ҳеч қандай салбий ҳолатлар кузатилмади. Лекин назорат гуруҳидаги сигирлардан иккитасининг бир оз ўз тенгқурларидан кўра озгинроқ бўлганлиги ва



авлодининг жинсига боғлиқлиги боис туғиш жараёни қийинроқ кечди. Аммо бу ҳолат сигирнинг соғлигига ва унинг кейинги фаолиятига ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида тажриба гуруҳида бола ташлаш ҳолати кузатилмади, аммо назорат гуруҳида бир бош сигир аборт ҳолатини қайд этди. Тажриба гуруҳидаги сигирларда чала туғиш кузатилмаган бўлсада, назорат гуруҳида бир бош сигир чала туғди, лекин туғилган бузоқ узоқ яшай олмади. Тадқиқотларни ўтказиш вақти қиш мавсумига тўғри келганлиги ва бу йилги совуқ жиддий бўлганлиги боис, иккала гуруҳда ҳам 1 бошдан янги туғилган вақтида ўлим ҳолати ва 1 бошдан нимжонлиги туфайли совуққа чидай олмасдан нобуд бўлиш кузатилди. Уларнинг тирик вазнлари тажриба гуруҳида ўртача 35,5 кг ни ва назорат гуруҳида ўртача 33,2 кг ни ташкил қилгани ҳолда, тажриба гуруҳида туғилган бузоқлар олиб борилган тадқиқот натижасида олинганлиги боис, назорат гуруҳида олинган бузоқларга нисбатан 2,3 кг юқори тирик вазнда туғилди.

Хулоса. Тажриба гуруҳидаги сигирларда бўғозлик даврининг давомийлиги 282,6 кун бўлса, назорат гуруҳида 288,2 кун давом этди, сервис даврининг давомийлиги тажриба гуруҳида 75,4 кунни, назорат гуруҳида эса 84,5 кунни ташкил қилиб, назорат гуруҳига нисбатан 9,1 кунга қисқа, туғишлар орасидаги давр 9,7 кунга кам, қочириш индекси кўрсаткичи тажриба гуруҳида 1,27% ни ва назорат гуруҳида 1,35% ни ташкил этгани ҳолда тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 0,08% га кам бўлди. Тадқиқотлар натижасида назорат гуруҳида 1 та бола ташлаш, 1 та чала туғилиш кузатилган бўлса, иккала гуруҳда ҳам 1 тадан туғилганидан кейин ўлим ҳолати ва нимжонлиги туфайли ташқи муҳитга мослаша олмасдан нобуд бўлиш ҳолати кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдалниёзов Б. Сутдор қорамолчиликда озуқа базасини мустаҳкамлаш ва сигирларни тўйимли озиқлантириш омиллари // Зооветеринария. 2012, № 4, 29 б.
2. Аширов М.Э. ва бошқалар. Сигирлар маҳсулдорлигини тирик вазнга боғлиқлиги. //Зооветеринария. 2015. № 3. 34-35 б.
3. Норбоев Қ.Н. Эшбуриев Б., Аллаёров М. Маҳсулдор сигирларда витамин ва минераллар алмашинуви бузилишларининг клиник белгилари.// Зооветеринария. 2014 й. 17-18 б.
4. Эшбуриев Б. Сутдан чиқарилган бўғоз сигирларда микроэлементозларнинг сабаблари, патогенези ва гуруҳли профилактикаси. // Зооветеринария. 2013. №5, 24-25 б.



5. Kuzibaevich, A. S., &Zulfiqorovich, J. O. (2021). Dependence of Clinical and Morphological Indicators of Blood of Cows on the Seasons. *International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology*, 1(5), 116-120.
6. Javkharov, O., Amirov, S., &Abdulsaidov, B. (2021, August). MILK PRODUCTIVITY OF SWISS COW BREED: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1375>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.06).
7. OZ Zhavkharov, IA Sobirov, TK Yulchiyev, BK Boboyev [CHANGES IN THE BEHAVIOR OF COWS IN CONNECTION WITH PASTURE AND LIVESTOCK FARMING CONDITIONS](#) NEUROQUANTOLOGY 11 (eISSN 1303-5150), 2440-2446
8. RM Alijonovich, JO Zulfikharovich [Organization of full-value feeding of dairy cows in farm](#) *Gospodarka i Innowacje*. 24, 840-843

